

Навоий вилоят педагогика институтида ана шу мавзуда суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Бу рангли тасвирлар Юртбошимиз Ислон Каримовнинг Навоийга ташрифи чоғида. Учқуддаги учинчи гидрометаллургия заводи, «Зарафшон - Нюмонт» кўша марказининг очи...

Кўргазмани ташкил қилишда олий ўқув юрти «Маънавият ва маърифат» маркази мураббийларининг хиссаси катта бўлди.



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 сентябр, чоршанба № 142 (974)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## СИНАЛГАН ДЎСТ - ҚАРИНДОШДАН АФЗАЛ

Ўзбек ва киргиз халқлари ўртасидаги азалий биродарлик, асрий дўстлик неча-неча синовлардан ўтган. Бугунги кунда ҳам мустақил тараққиёт йўлини танлаган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муттаҳид ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 сентябр кунги расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахти Бишкекка жўнаб кетиш олдиран оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигига мисол қилиб ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган воқеаларни яна бир бор эсга олди.

Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинади, деган нақл бор, - деди Ислон Каримов. - Биз террорчи гуруҳлар Боткенга хужум қилганда киргиз халқи билан елкама-елка турдик. Қирғизистоннинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг жинорий тўдаларга қарши курашда фикрларимиз бир жойдан чиқатгани бу борадаги саясий-ҳаракатларимизнинг изчиллигини таъминлаб, азалий дўстлигимизни мустаҳкамлашга, ўзаро янада яқинлаштишимизга асос бўлмоқда.

Ислон Каримовнинг Қирғизистонга расмий ташрифига томонлар алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, ушбу сафар давомида Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг ўзаро муносабатлари ривожини унун муҳим бўлган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутиляпти. Жумладан, ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги алоқаларни қу...

чайтириш тўғрисида Баёнот қабул қилинади ҳамда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланади. Шунингдек, Бишкекда божхона, консуллик алоқалари ва қонун ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблаштириш борасидаги келишувларга ҳам имзо чекилади.

Маълумки, жорий йил октябр ойининг охирида Қирғизистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Айни пайтда мамлакат Марказий сайлов комиссияси олти нафар номзодни расман рўйхатга олган. Давоғарлар орасида Қирғизистоннинг айни пайтдаги раҳбари Асқар Акаев ҳам бор. Ўзбекистон жамоатчилиги кўшни давлатда юз бераётган бу жараённи катта қизиқиш билан кузатиб борапти.

Ислон Каримов Қирғизистондаги мазкур муҳим тадбир ҳусусида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

- Ушбу сиёсий жараён, албатта, кўшни республиканинг ички иши. Шу сабабли четдан туриб бу тадбирга қан...

дайдир таъсир ўтказишга уриниш ноҳажоидир. Сайловда қимнинг голиб бўлиши, аввало, Қирғизистон халқининг, яъниқим сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Лекин мен бир гапни айтмоқчиман. Биз Қирғизистоннинг бугунги раҳбарияти билан шунча йиллардан буюн самарали ишлаб келгенимиз. Доимо бир-биримизга кўмак бердик, зарур вақтларда елкадош бўлдик, турли синовлардан биргаликда ўтдик. Шунинг учун, агар мен Қирғизистон фуқароси бўлганимда, босиб ўтилган шарафли йўлни, бугунги иқтисодий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, албатта, Асқар Акаев учун овоз берган бўлар эдим. Бу мустақил давлатнинг ички ишига аралашин эмас, балки биродар халқ вакилининг ўз қардошларига айтилган дил сўзларидир.

Ислон Каримовнинг журналистлар билан учрашувларида доимо Афғонистон масаласи кўтарилади. Чунки бу давлатдаги урушни бартараф этиш, кўшни юртда тинчлик...

Ўрнатишда Ўзбекистон кўп саясий-ҳаракат қилмоқда. Журналистларнинг давлатимиз раҳбарига Афғонистон масаласида бот-бот мурожаат қилиши мамлакатимиз ҳукуматининг бу муаммони ечиш йўлида олиб бораётган сиёсатига бўлган катта қизиқишнинг натижасидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлардан ҳам маълумки, бугунги кунда Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар жуда фаллашиб қолди. «Толибон» ҳаракати кўларини «Шимолий иттифок» вакиллариининг асосий таянч пункти бўлиши Панжшер дарасини ишғол қилишга бор кучини ташлаш ва айни пайтда бу ерда шиддатли жанглар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистон бу мамлакатда тинчлик ўрнатишига қаратилган барча саясий-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлаб келганини яна бир бор таъкидлади. Афғонистонда барқарорлик бўлмас экан, Марказий Оси...

ёдаги халқлар ҳам хотиржам яшай олмади, деди Ислон Каримов. Президентнинг айтишича, Афғонистоннинг катта геосиёсий ўйин майдонига айланиб қолгани бу юртда минглаб қурбонларга, қанча-қанча болалар сағир бўлишига олиб келди.

«Толибон» ҳаракатининг сўнгги кунлардаги муваффақиятли юришлари, Афғонистоннинг минтақамиз билан чегарадош ҳудудларда ўз назоратини ўрнатаётгани қимлардадир ҳавотир ҳам уйғотиши табиий, - деди Президент. - Ўзбекистон шу вақтгача Афғонистон билан бирор марта ҳам мोजарога бормаган, унинг ички жанжалларига аралашмаган. У ерда ҳокимият талашаётган ҳеч қайси гуруҳга кўмак бермаган. Биз «Толибон» ҳаракатини ҳам, унинг мақсадлари ва сиёсати қандай бўлишидан қатъи назар, Афғонистондаги йирик сиёсий куч сифатида қабул қилганмиз. Ўзбекистон кўшни давлатда тинчлик ўрнатиш боразида толибларнинг ҳам фикрини эшитишга доим тайёр бўлган. Жумладан, ўтган йили «Олти плюс икки» гуруҳининг Тошкентдаги учрашувида «Толибон» вакиллари ҳам иштирок этгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Афғонистондаги барча кўларнинг тинчлик йўлида ўзаро келишувга эришиши тарафдори. Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, албатта, биз доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб турмоғимиз даркор. Бирок ҳавотирга тушишга ҳам асос йўқ. Бизнинг ҳар қандай хавфни бартараф қилишга қудрати етарли қуролли кўчларимиз бор.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА муҳбири.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига чиқаришнинг вақтинчалик тартибининг амал қилиши 2000 йил 15 октябргача узайтирилсин.

2. Жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилинганда, шу жумладан, консигнация шартларида ва бартараф асосида экспорт қилинганда, уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги 261-сон қарорида белгиланган шартлар ва берилмаган имтиёзлар 2000 йил 15 октябргача сақлаб қолинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 26 сентябр

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОН КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислон Абдуганиевич! Биз, дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъаткорлар гўзал Ўзбекистон диёрида ўтган иккинчи халқаро симфоник мусиқа фестивалида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимиздан беҳад мамнунмиз.

Халқаро микёсда эштироф этилаётган ушбу анжуман симфоник мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг Шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкентда ўтказилаётганлиги Ўзбекистоннинг юксак ижодий салоҳиятини, буюк ва бебаҳо маданий меросининг бардавомлигини кўрсатади. Энг муҳимини, бу диёрда қадим Шарқ мусиқаси билан бирга Фарб мусиқаси санъатининг ўлмас дурдоналари ҳаммаҳанг яшаб келмоқда.

Икки йил аввал ўтган биринчи анжуманимиз ҳамкасбларимизнинг келгуси ижодий парвозлари учун катта имкониятлар очиб берди. Ўтган давр ичида яратилган юксак бадиий савиядаги янги симфоник асарлар Тошкент фестивалининг аҳамияти янада ошиб бораётганидан, унинг миллий қадриятлар ва замонавий бастакорлик ижодининг уйғунлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганлигидан далолат беради.

Хурматли Ислон Абдуганиевич! Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, қаерда тинчлик, тўқнлик, фаровонлик бўлса, ўша ерда куй яралади, ўша ерда ажиб ва сехрли мусиқа оҳанглари янграйди. Мусиқа бу - гўзаллик, баркамоллик, нафосат, эзулик мевавидир, тинчлик жарчиси, дўстлик элчисидир. Жаннатмонанд Ўзбекистон ўлкаси Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингиз остида тинчликнинг қадрига етиб, ўзининг буюк келажаги сари дадил одимламоқда. Ана шундай улуг мақсадлар йўлида Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик тиллаيمиз.

II халқаро симфоник мусиқа фестивали катнашчилари Тошкент шаҳри, 2000 йил 25 сентябр

### Жўшқин ҳаёт нафаси ИСРОИЛЛИК ОЛИМЛАР ЖИЗЗАҲДА

Республика Тез табиий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами арафасида ишга туширилган эди. 220 ўринли бу шифо масканида бугунги кунда 120 нафарга яқин малакали врач ҳамда 370 дан зиёд ҳамшира хизмат қилмоқда.

Яқинда бу ерга исроиллик доктор Пинхас Халкерн бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф бурюди. Исроиллик мутахассислар марказнинг жарроҳлик, реанимация ва диагностика бўлимларига ўрнатилган замонавий табиийт асбоб-ускуналарига юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан келишувга мувофиқ исроиллик олимлар мамлакатимизга ташрифи мобайнида тез табиий ёрдам илмий марказлари врачларининг тўрт кунлик ўқувини ҳам ташкил этди.

(ЎЗА)

### ЭНГ ТОТЛИ НЕЪМАТ

Инсон учун энг азиз, тотли неъмат — нон. У дастурхонимиз кўрки. Мазаали, бўрсилдоқ нонларни бизга етказиб бераётган кишилар орасида Оққўрғонда «Оққўрғон» матлубот ҳиссадорлик жамияти корхонаси меҳнатсеварлари ҳам бор. 40 йилдан буюн шу қасбини эъозлаётган Акбар Қурбонбеков, Тўхтаоҳун Маҳмудов, Ойинса Саидова, Маҳфуза Остонаева каби мураббийлар фаолияти таҳсинга лойиқ. Улар махсулот сифатига алоҳида эътибор берадилар.

Корхонада моддий манфаатдорлик таъминланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври ичида 120 миллион сўмлик неъмат истеъмолчиларга етказиб берилди.

Иноқ жамоа иқтисодиётни юксалтириш омилиларидан унумли фойдаланяпти. Жумладан, салқин ичимликлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Шулар ҳисобидан 20 нафар қўшимча иш ўринлари яратилди.

М.МИРКАМОЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

## БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВЛАР

26 сентябр, Бишкек. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бишкекдаги «Манас» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди. Шу ёрнинг ўзида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Асқар Акаев ўзининг тақлифини қабул қилиб, Бишкекка ташриф буюргани учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларини фақат қардошлик ва биродарлик туғилуларига эмас, балки тарихий, маданий муштараклик, илдизларнинг бир...

лиги ҳамда мустаҳкам кўшничилик алоқалари боғлаб туришини айтди. Асқар Акаев Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи ҳақида икки томонлама муносабатлар ривожига туртки бўлиб келганини таъкидлади ва бу галги сафар ҳам ўзаро алоқаларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислон Каримов Бишкек сафари чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқалар билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик масаласи ҳам кенг муҳокама этилиши кўзда тутиляётганини маълум қилди.

- Бугунги мураккаб воқеали, - деди Президентимиз, - хавфсизлик муаммоларига янада фаолроқ, янада жиҳрсоқ ёндашишга, воқеалар қай тарзда ривожланишини...

олдиндан таҳлил қилиб, унинг оқибатини кўра билиш ва биргаликда зарур чора-тадбирлар кўришга ундамоқда.

Ўзбекистон раҳбари икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш заруратини ҳам таъкидлади. Жумладан, сув ва энергетика захираларидан фойдаланиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо-сотик ҳажминини ошириш учун имкониятлар кўп эканини қайд этди.

Асқар Акаев сув ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталиб, Қирғизистон Ўзбекистон билан биргаликда «Қамбарота» гидроэлектр станциясини қуришга тайёрлигини маълум қилди.

Журналистларнинг Афғонистондаги вазият билан боғлиқ саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарилди. Ислон Каримов бу ҳусусда Тошкентда айтган гапларини тасриқлади. Асқар Акаев Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

Журналистлар билан учрашувдан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистонни ташвишга солаётган минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Кечқурун «Ола арча» қароргоҳида Қирғизистон Президентини номидан Ислон Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Икки томонлама музокаралар эртага давом этади.

(ЎЗА)

### Долзарб мавзу

## ИШСИЗЛИК — БЕКОРЧИЛИК

муаммоси Мироқиди ҳал этиладими?

Тахририятта Шаҳрисабз туманининг Мироқида қўрғонда яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати келди. Унда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилмаётганлиги боис турмушда, айниқса, ёшлар ҳаётида қийинчиликлар юзага келаётганлиги қаламга олинган. Долзарб масала билан атрофлича танишиш мақсадида сафарга отландик.

Мироқида ҳозирги кунда 8 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркин Ашуровнинг таъкидлашича, бир неча йил аввал Хисорак сув иншоотлари қурилиши бошқармаси фаолият юрифтаётган пайтда қўрғонча анча обод ва файзли бўлган. Вақт ўтиши билан йирик қурилиш ташкилоти қисқарди. Шундан сўнг ишсизлар кўпайди, бунёдкорлик ишлари сусайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтисодий муҳрфаза қилиш бўлими маълумотларига қараганда Мироқидаги 8 та кичик корхонада 138 киши доимий иш билан таъминланган. Қолганлари, айниқса, ёшларнинг кўпчилиги қайси қасбнинг этагидан тутишини, қай йўл билан тиричилик ўтказишни билолмай бошлари қотган. Нурунийлар, мутахассислар билан суҳбатда ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг имкониятлари борлигига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, бу ерда қатор бўш ётган йирик бинолар мавжуд. Уларни таъмирлаб саноят корхоналари, қайта ишлаш цех...

лари очиш мумкин. Қолаверса, негадир халқ хунармандчилигини ривожлантириш билан жиҳдий шуғулланилмаяпти. Яшаш учун кураш деганларидек, қимлардир иш қидириб бозда ерларга кетишга мажбур бўляпти. Оила юмушлари, фарзанд тарбияси, рўзгор тебратиш масалалари кўпроқ аёллар зиммасига тушмоқда.

Жонқуяр, тадбиркор кишилар жим туришмаяпти албатта. Масалан, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги меҳнат бўлими йўриқчиси Фарида Беғалиева туман ҳокимлигига хат йўллаб ишсизлик — бекорчилик муаммосини ҳал этишда кўмаклашиш, кичик корхоналар ташкил этиш лозимлигини таъкидлаганди. Бирок, адолатли тарзда ташвиш билан ёзилган ушбу хатта хунузгача аниқ жавоб беришлмабди. Узимизча таҳлил қилдик: Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида 4019 киши ишламоқда. Бошқа ёқларга иш қидириб кетганларнинг анчагина қисмини ёшлар ташкил этади. Агар жила бўлмаса «Сўғдиёна» ошонаси, 1-мактаб-интернат, автотранспорт корхонасининг қаровсиз ётган биноларидан унум...

ли фойдаланилганда шунча одам иш қидириб сарсон бўлмасмиди?

Хамма нарсга бекорчиликдан келиб чиқади. Етишмовчилик бўлган жойда сан-манга боришлар кузатилади. Ўтган ойлари ичида беш нафар вояга етмаган ёшлар жиноятга қўл урганлигининг асосий сабаби ҳам бекорчиликдир. Қишлоқ фахрийлари тўғри таъкидлашди: баъзи оила бошлиқлари иш ахтариб бошқа ёқларга кетганилари боис фарзанд тарбияси билан лозим даражада шуғулланилмаяпти. Боз устига Мароқи оқдомлари зерикарли. Ҳатто қўчалардаги чиқорларнинг бирортаси ёритилмабди. 300 ўринли маданият саройи ҳувилаб ётибди. Бу ерда бирон-бир тадбир ўтказилганлигини ҳеч ким эслолмабди. 20 йилдан буюн киномеҳаник бўлиб ишлаб келган Фарҳод Ниёзовнинг ҳам боши қотган. Ахир кинофильмлар намойиш этилмаётганлигига ҳам кўп вақт бўлди. Қанча куч, маблағ сарфлаб бунёд этилган стадион ҳам қаровсиз қолди. «Чарос» болалар боғчаси ён-атрофи бир вақтлар анча сўлим эди. Энди эса бу...

ердаги чиқиндилар уюми шаҳарча хуснига доғ бўлиб турибди. Ўзига хос шифо маскани бўлган санаторийга келаётганлар бундай нохуш манзарани кўриб ранжишмоқда.

Мироқидаги коммунал фойдаланиш бошқармаси шаҳарчани ободонлаштириш, ён-атрофи тоза ва озода сақлаш учун жон куйдирияпти. Ишчиларга маош ўз вақтида берилмаётганлиги боис улар қўл учида ишлашяпти. Қимлардир жамонам тарк этиб кетди.

Ҳадемай қиш эшик қоқди. Иситиш тармоқларини мавсумга тайёрлаш эса кўнгилдагидек эмас.

— Бизнинг шаънинизга жиҳдий эътирозлар билдираётган аҳоли ҳақ, — дейди уй-жойдан фойдаланиш бўлими, бошлиғи Суян Ризақулов. — Одамлардан тушган аризалар 200 дан ошди. Уларнинг кўпчилиги водопровод қувурлари, том ва деворларни сошлашда ёрдам сурашдан. Бирок турли сабабларга кўра улар мушуқлини осон этишга қўлимиз калталик қилаяпти.

Бозор талаби қатъий. Раҳбару мутахассислар боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, қайд этилган камчиликларни тугатиш, ишсизлик балосига барҳам бериш учун бўш ётган бинолардан унумли фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнесни, халқ хунармандчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Ахир, Мироқи муаммосини ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайдик.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.



**Жорий йилнинг декабр ойида Москвада курортология бўйича халқаро конгресс бўлиб ўтди. Хусусан, унда халқаро ва маҳаллий курортларнинг келгусидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилади. Мазкур анжуман олдидан «Российская курортная газета» ўз саҳифаларида турли курорт ва сихатгоҳлар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бериб бормоқда. Улардан бири Ўзбекистон сихатгоҳларига бағишланди.**

Ўрта Осиёнинг бекиёс табиати ва шифобахш хавоси дам олиш ҳамда даволаниш учун жуда қулайдир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси каби табиий даволаш шароитларида аҳолини соғломлаштириш учун зарур бўлган табиий-иклимий омилларга бой.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг санаторий-курортлар бошқармасида 19 сихатгоҳ (17 та санаторий ва 2 та дам олиш маскани) бўлиб, у 4048 ўринга эга. Барча санаторийларда маъданли сувлар, шифобахш лой, очиқ ва сув ҳавзалари каби табиий даволаш омилларидан фойдаланилади. Улардан маъданли сувлар ва лой алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Санаторийлар, уларнинг қуввати, иқлимий-жўрофий ҳолати, табиий муолажа омиллари, уларнинг таъсири ва ақс таъсири ҳақидаги маълумотлар шифокорларга ҳамда касаба уюшма ташкилотчиларига беморларни Ўзбекистоннинг санаторий ва курортларига йўллашда қўл келади.

Республикада маъданли сувларнинг бой ресурслари аниқланган. «Чимён» санаторийси Мацестинский-даги каби сероводород (сульфид)ли сув, «Чортоқ» ва «Нихол» йод ва бромга бой, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Бо-

Барча санаторийлари-миз кўп тармоқли бўлиб, улар йил бўйи фаолият кўрсатишади. «Ситораи Мохи-Хоса», «Чимён», «Турон», «Чинобод» санаторийлари даволаш-

Гальваник лой, маъданли сув ванналари, маъдан билан озиқлантириш, маъданли ичимлик суви, шунингдек, шифобахш гиёҳларни қўллаш - булар табиий омиллар асосида даволашнинг бир қисми, холос.

Хар йили Республика касаба уюшмалари сихатгоҳларида 50 мингдан кўпроқ одам, жумладан, 4 минг болалар ва ўсмирлар, 1200 байналмилал жангчилар ўз

биқ этилмоқда. Куёш, ўзига хос ҳаво, турли-туман мева ва сабзавотларнинг тўкин-сочинлиги Ўзбекистон Республикасининг катта бойлиги ҳисобланади. Бу ерда иқлимий, лой билан даволаш, даволовчи жисмоний машқлардан кенг фойдаланилади. Нафас олиш йўллари касалликлари билан оғриган беморларни даволашда юсак самараларга эришилган

дир. Бу усулни қўллаш сувнинг кимёвий таркиби ва касаллик характериға боғлиқ. Бизнинг сихатгоҳларда бальнеотерапия учун ер ости ва сунъий равишда тайёрланган маъданли сувлар ишлатилади. Бу сувларнинг манбаи санаторийлар ҳудудида жойлашган. Айниқса, табиий сульфидли, хлоридли, натрийли, радон, йодобромли ва бошқа маъданли сувлар кўпроқ шифобахшдир.

сульфатли натрий сувлари; игнабаргли, карбонат-ангидридли, кистородли, радонли ванналар, шифобахш лой. «Чинобод» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, эндокрин системалари, гинекологик касалликлар; хлорид-гидрокарбонатли натрийли сувлар, балчиқли лой.

«Чимён» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системалари, таянч-ҳаракат аппаратлари, гинекологик, урологик касалликлар; серо-водородли минерал сувлар, балчиқли лой.

«Чортоқ» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системалари, таянч-ҳаракат аппаратлари, тери ва гинекологик касалликлар; каммаъданли сульфат - хлоридли натрийли минерал сувлар ва кўпмаъданли термал, гипертермал, йодли, хлорид - кальций - натрийли сувлар.

«Ситораи Мохи-Хоса» санаторийси: буйрак, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб тизимлари ва таянч-ҳаракат аппаратлари касалликлари; сульфат - хлорид, натрийли сувлар.

Бу санаторийларга 18 кунлик йўланма баҳоси 167 дан 445 АҚШ долларига тақсим қилинади. Серкўёш Ўзбекистонимизга келишни, яшил олам ажойиботларини кўришни, тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиришни ҳамда шарқона ширинликлару мевалар лаззатидан баҳраманд бўлишни истаган барчабарчадан бошимиз кўкка етади. Сиз транзит йўллар орқали поездда келишингиз, шу-

## Ўзбекистон касаба уюшмалари сихатгоҳлари: ТАБИИЙ-ИҚЛИМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ МАФТУН ЭТАДИ

нинг самарадорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам машҳурдир.

Бизнинг санаторийларда нисбатан арзон ва мароқли дам олишингиз ҳамда ўз соғлигингизни тиклашингиз мумкин. Бадастир жиҳозланган бир ва икки кишилик номерлар, икки хоналик «Люкс» шинам дам олиш ва куттиш хоналари, йўлдош антеннали телевидение, сузиш ҳавзалари, сауна, муолажа хоналарини ётоқхоналар билан туташтирувчи ўтиш йўлаклар, ДФК машғулотлари учун спортзаллар, клуб ва кутубхона - буларнинг бари мароқли дам олишга ва даволанишга хизмат қилади.



соғлигини тиклашади ва мароқли дам олишади. Тахминан 7 минг одам амбулатория курси бўйича даволанишади.

Республика санаторийлари замон талабига жавоб берадиган даволаш-диагностик базалар, замонавий жиҳозланган функционал-ташхис кабинетлари, клиник ва биохимик лабораториялар, рентген кабинетларига эга. Кейинги йилларда аввал курортлар амалиётида қўлланилмаган янги даволаш усуллари, масалан психорелакс, магнит ва лазер терапиялари кенг қўламда тат-

«Оқтош», «Зомин» ва «Мироқи» сихатгоҳлари ўзининг иқлим шароитлари билан анча машҳурдир. Тоғ иқлимнинг самарали таъсири, арчазорларнинг кўплиги, аллергияларнинг йўқлиги, табиий аэрогидроионизация-буларнинг бари бронхитларга таъсир этиб, оқибатда бронхит астма хуружининг камайишига, ҳатто бутунлай барҳам топишига омил бўлмоқда.


Санаторий ва курортларда беморларни маъданли сувлар билан даволаш усули энг муҳим усуллардан бири-

Республикаимиздаги даволаш-профилактик ва санаторий-курорт муассасаларида Жиззах вилоятидаги Балиқчи қўлидан олиб келиниб, махсус жиҳозларда сақланадиган балчиқли - сульфид лойидан фойдаланилади.

Санаторий-курортлардаги даволашнинг самарадорлиги ва натижаларини барқарорлиги муолажани ташкил қилиш даражаси ҳамда беморларга зарур санаторийларга йўланма берилишига жуда-жуда боғлиқдир.

Куйида Ўзбекистон касаба уюшмалари сихатгоҳлари ҳақида қисқача маълумотлар келтира-миз.

«Оқтош» санаторийси: тиббий маълумотла-



ри - нафас олиш йўллари касалликлари; асосий даволаш омиллари — иқлим терапияси (соф тоғ ҳавоси, табиий гидроионизация).

«Турон» санаторийси (мос равишда): қон айланиш органлари, асаб системаси, гинекологик ва андрологик касалликлар; каммаъданли хлорид-гидрокарбонат -

нингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси хизматидадан фойдаланишингиз мумкин.

**А.ЙЎЛДОШЕВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.  
(«Российская курортная газета»нинг 8-сонидан)

## Транспорт хизмати ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

**Ҳаёт — бу ҳаракат дегани. Инсон борки орзулар, эртанги кун ташвишлари билан яшайди. Бугунги ҳаётни, мақсад сари интилишларини эса транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳўш, йўловчи ташиш транспорт турларидан бири автобусларда аҳолига хизмат кўрсатиш хизмати қандай ташкил этилган? Ундан одамлар мамнунми? Шу саволга жавоб излаб яқинда соҳа мутасаддилари ҳузурда бўлдик.**

Маълум қилишларича, «Ўзавтотранс» корпорацияси тизимига қарашли йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автокорхоналар сони ўтган йил бошида 171 тани ташкил этган экан. Кейинчалик улардан тўрттасининг молиявий аҳоли ёмонлашганиги сабабли тугатилган. Ўтган йили автобуслар сони 11500 та эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 10274 та. Эътиборлиси, амалдаги йилнинг ўтган ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан барча кўрсаткичларда ўсишга эришилган.

Эндилқда республикамизнинг қарийб ҳамма жойида корпорация раёбатчилари ҳам дадил фаолият кўрсатмоқда. Булар — шахсий автомобил эгалари бўлиб, жойларда ўзларининг бирлашмаларини ташкил этишган. Улар йўловчиларга тез ва соз хизмат кўрсатиш йўлида кўзга кўринарли ютуқларга эришмоқдалар.

Раёбатда ютиб чиқиш, яъни тендер гоилиб бўлиш учун корпорация раҳбарияти автомобиллар қатновини мунтазам йўлга қўйиш, тез ва арзон хизмат кўрсатиш йўллариини изламоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг май ойида жаҳон банки билан 20 йилга мўлжалланган шартнома ҳужжатлари имзоланди. Унга кўра янги автобуслар сотиб олиш ва мавжудларни таъмирлаш учун 60 миллион АҚШ доллар и ажратилди. Бундан ташқари хорижий сармоядорларни жалб қилиш йўли билан 400 та «ДЭУ» автобуси ва «Тойота» митти автобуслари сотиб олинади.

Корпорациянинг буйруғи билан тармоқ меъёрлаш ва тушумни назорат қилиш бошқармаси меъёрлаштириш бошқармасига айлантирилди. Назорат ишларини яхшилаш учун келгусида жамоатчилик вакилларидан иборат назоратчилар кенг жалб қилинади.

Ажаб эмас, шунда ишлар янада яхшиланса. Негаки, шу пайтгача йўловчи ташишга чиқаришдан автобуслар бир кунда нечта йўналишда неча марта ҳаракатда бўлади? Манзилга етгунча автобуслар неча марта тўхтади, ўртача қанча йўловчи чиқиб тушади каби саволларга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Бу эса қассага топшириладиган пул тушуми баъзан пасайишига сабаб бўлаётир. Қолаверса, корпорация тизимидаги автобусларда ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш зарур. Бунда ҳозирча хусусий автомобил ҳайдовчилари ўрناق бўлишаяпти.

Темур ХАЙДАРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## «ҲўҚАНД» МАҲСУЛОТЛАРИ

Кўқондаги «Кўқон» ишлаб-чиқариш бирлашмаси қошида Исроилнинг «Флоросент» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган алкохолсиз яхна ичимликлар ишлаб чиқаришига ихтисослашган «Ҳўқанд» қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Бу ерда кунига 5 минг дондан ор-



«Ситораи Мохи-Хоса», «Косонсой» санаторийларида Сочи, Евпатория, Махачкала курортларидаги сингари хлоридли-натрийли сувларга эга. Худди Пятигорскдаги каби нобъ радонли сув эса Самарқанд вилоятидаги «Абу Али ибн Сино» санаторийсида топилган.

Бу ерда қадимги халқ табобати, анъанавий ва ноанъанавий усуллари ўзида омухта қилган янги усулда, ўзига хос дастур асосида юрак, асаб системалари, ошқозон-ичак тракти, нафас олиш йўллари, таянч-ҳаракат аппаратлари, шунингдек, урологик ва гинекологик касалликлар даволанади.

Ургут туманида фермер ва бошқа турдаги тадбиркорларга банклар орқали барча молиялаш манбалари ҳисобидан микрокредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан,

### ФЕРМЕРЛАРГА КРЕДИТЛАР

«Омонбобо», «Шаҳзод», «Фахриддин», «Ортиқова», «Саидмуродов» фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун миллий банк томонидан 5 миллион 316 минг сўмлик микрокредитлар берилди. Шунингдек, ишбилармонларга «Тадбиркорбанк» 13 миллион 756 минг сўм, «Олибанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки эса 24 миллион 760 минг сўм миқдорда маблағ ажратди.

## OLAMDA NIMA GAP

**БОГОТА.** Колумбия полицияси исёнчи «Миллий озодлик армияси»га (МОА) қарши навбатдаги операцияни амалга оширди. Кали шаҳрида 13 нафар исёнчи ҳибсга олинди. Полициячиларнинг айтишича, улар асосан пул ундириш мақсадида одам ўғирлаш билан шуғулланган. Ўтган ҳафта ичида Кали шаҳри яқинида йўқолган 60 киши ҳам МОА жангарилари томонидан ўғирлангани маълум бўлди.

**ГААГА.** Бу ерда Нидерландия ва Украина ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлди. Унда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, ЕИ-Украина муносабатлари, шунингдек, сармоёга тааллуқли масалалар муҳокама қилинди. Маълумотларга кўра, Нидерландия Украинага сармоё киритиш борасида тўртинчи ўринда туради.

**ВАШИНГТОН.** АҚШ давлат департаменти босиб мамлакатнинг собиқ президенти Гарри Трумэн номи берилди.

Шу муносабат билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди.

**Г.Трумэн** АҚШнинг ўттиз учинчи президенти эди. У 1945-53 йилларда мамлакатда кўплаб қурилишларни амалга оширган. БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар ҳам у ишлаган даврда ташкил этилган. АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайтнинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини юксалтиришда Г.Трумэннинг хизмати катта бўлган.

**ЛИМА.** Перу ҳукумати мамлакат парламентиغا Миллий разведка хизмати фаолиятини тўхтатиш ва президентнинг хавфсизлик масаласи бўйича ёрдамчиси Владимир Монтесиносни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Шунингдек, мамлакат раҳбари Алберто Фүхимори янгидан сайлов ўтказиш ва унда ўзи иштирок этмаслиги ҳақида баёнот беришга мажбур бўлди. Чунки, кучайиб кетган коррупция мамлакатдаги фуқаролар ва кўплаб жамоат ташки-

лотларининг бош кўтариб чиқишига сабаб бўлди.

Янги қонун лойиҳасида бош вазир Федерико Салас бошчилигида махсус комиссия тузиш кўзда тутилган. Ушбу комиссия 15 кун ичида Миллий разведка хизматининг янги таркибини тузиши керак.

**ЛОНДОН.** Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига (ОПЕК) аъзо давлатлар раҳбарларининг келгуси ҳафтада Венесуэлада ўтказиладиган саммити «қора олтин» бозоридаги беқарорликни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эгадир, деди Халқаро валюта жамғармаси вакили Гордон Браун. Унинг айтишича, мазкур олий даражадаги учрашувда нефтнинг жаҳон бозоридаги нархини барқарорлаштириш борасида ОПЕК томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланади.

**ЛАГОС.** Нигерия ҳарбийлари Ғарбий Африка минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок эта-

ди, деди мамлакат халқаро ҳамкорлик вазири Дапо Саруми. Унинг айтишича, Нигерия минтақа давлатлари иқтисодий-тиришчиликни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшишга тайёр.

Либерия ҳамда Сьерра-Леонега киритилган халқаро тинчликпарвар кучларнинг асосий қисмини нигериялик ҳарбийлар ташкил қилади. Мамлакат ҳукумати бу кучлар фаолияти учун хар йили бир миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарф қилмоқда.

**БЕРЛИН.** Европа Иттифоқи (ЕИ) комиссияси расиси Романо Проди Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг ЕИ аъзоллигига кириш борасида амалга ошираётган сайҳаракатларини юқори баҳолади. Бироқ бу ҳаракатлар ҳали етарли эмас, даъвогар давлатлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада фаоллаштириши лозим, деди у.

**ФРИТАУН.** Ҳиндистон раҳбариятининг Сьерра-Леонеда БМТнинг халқаро тинчликни сақлаш куч-

лари сафида хизмат қилаётган ўз ҳарбийларини қақриб олиш тўғрисидаги қарори Сьерра-Леоне ҳукуматининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Деҳли маъмуриятининг бундай йўл тутиши мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг фаоллашувиға зарба беради, деди Сьерра-Леоне ахборот вазири Жулиус Спенсер. Ж.Спенсернинг айтишича, Ҳиндистон Сьерра-

Леонега киритилган ҳарбийлар сони жиҳатдан Нигериядан кейинги ўринда туради. Агар улар ўринда қетса, Сьерра-Леоне ҳукумати БМТдан қўшимча куч жўнатишини сўрашга мажбур бўлади.

**АДДИС-АБЕБА.** БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури директори Катрин Бертини халқаро ҳамжамиятини Африка давлатларига янада кўпроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ча-

қирди. Унинг айтишича, дунё мамлакатлари кўмаги билан қитъада қурғоқчилик асоратлари анча бартараф этилди. Жумладан, табиий оғат содир бўлган давлатларга жорий йилнинг апрелигача икки юз миллион АҚШ доллариға тенг зарур маҳсулотлар етказиб берилди. Бироқ бу очликда кун кечираётган аҳоли эҳтиёжини ярмини қоплашга етди, холос.

(ЎЗА).



«Авесто»нинг 2700 йиллигига

# АВЕСТО ВА ЖУГРОФИЯ

**Биз ҳақон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминиди «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.**

Ислон КАРИМОВ.

Авесто зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, Шарқнинг биринчи файласуфи, донишманди Зардушт томонидан эра миздан аввалги VII асрнинг охирида Амударё соҳилларида яратилган. Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо хоҳинлари томонидан тўдирилиб, тақомиллаштирилган. Бу қомусий асар 12 минг хўкиз терисига битилган. Шох Искандар Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага олиб келиб, керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини эса ёқтирган. Эра мизнинг биринчи асрида ашқонийлар ҳукмдори Валагес Аршакид, учинчи асрда эса Хусрав Парвиз, Шопури Хурмузд даврида «Авесто» бир неча бор кўчирилди ва қайта тикланди. Бизга қадар «Авесто»нинг қуйидаги қисмлари етиб келган:

1. Ясна — ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби зардушт кўшиқлари — Гот мадҳияларидан иборат.

2. Яшт — оташпарастларнинг Оллоҳни тавсиф этадиган махсус оҳанглар асосига қурилган мадҳиялари.

3. Вендигод — девларга — зулм тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар матни, қадимги дostonлар, мифларнинг мазмуни, мифология қаҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виспарад — бутун борлиқ Оллоҳнинг. Ибодатлар тўлаими, ибодат йўсинлари.

«Авесто» зардуштийликнинг қомуси бўлиши билан бирга илм-фан тараққиёти, ҳаётнинг барча жаҳаларидан сабоқ берувчи тарихий манба ҳисобланади.

«Авесто»да бошқа соҳалар каби жуғро-

фияга оид фикр-мулоҳазалар ҳам анчагина. Аксарият авестошунослар ёдгорликнинг жуғрофий қиммати ҳақида фикр юритганда «Вендигод»даги маълумотларга сунадилар ва уни ҳатто «География поэма» деб ҳам атайдилар. Зотан, китобнинг барча бўлимларида ҳам Турону Эрон, умуман дунёнинг энг қадимги жуғрофиясига оид далиллар жуда кўп. «Авесто»да жуғрофий маълумотлар шартли равишда уч туркумга бўлиниб, турли шарҳларнинг пайдо бўлиши, қурилиши ва жойлашиш ўрни, икки дарё ҳудудидаги тоғлар, дарёлар, яйловлар ҳақида маълумотлар берилди.

Хусусан, Ҳиндистондан Каспий денгизи соҳилларига бўлган улкан ҳудуддаги халқлар, яъни зардуштийлик эътиқодини қабул қилган юртларнинг пайдо бўлиши, турли шарҳларнинг вужудга келиши баён этилган. Айни пайтда Ахурамаздонинг ўша «кишварлар»ни обод қилишига қарши Ахриманнинг турли-туман разолат ва қабоҳат кучларини яратиб, унга монъевий кўрсатишга интилиши ҳам ўз аксини топган. Ахурамаздо ерда ҳаётни бунёд этгач, «рубъи маскун»ни обод этмоқ учун таъкид этилган ҳудудда 16 та мамлакатни яратди ва уларнинг пойтахти номлари билан зикр этиди. Газетхонларда мукамал тасаввур ҳосил қилиш учун ушбу парчанинг тўла таржимасини келтирамиз:

\*\*\*

Ахурамаздо Спитаман Зардуштдан ҳола аҳвол сўраган, шундай деди:  
— Мен турли сарзаминларни шундай ярат-

димки, ҳар бири ўз халқи кўзига гўзал кўринсин. Агар мен бу сарзаминларни ана шу тарзда яратмаганимда эди, ҳамма ўз юртини қўйиб Ийрон Вижга қараб кетиб қоларди:

Мен — Ахурамаздо биринчи бўлиб яратган сарзамин — кишвар гўзал Ийрон Виждир. У Де-тиё дарёси соҳилида жойлашган. Ўша пайт вужуди ўлим нишонаси бўлган Ахриман келиб Де-тиё дарёсида қизил илонлар пайдо қилиб, «Қиш»ни ер юзига келтирди.

У ерда ўн ой қиш бўлиб, икки ой баҳор бўлади, холос. Ана шу икки ой ҳам бу ерда ҳаво сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуқлик қилади.

Мен — Ахурамаздо яратган иккинчи кишвар — сарзамин Суғддир. Ўша заҳоти ўлим бўлган Ахриман келиб, моллар подаси орасида ўлат тарқатадиган пашшани яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган учинчи кишвар — сарзамин пок ва шуҳратли Марвдир. Ўша заҳоти ўлим нишонаси бўлиши Ахриман келиб, гуноҳ тарқатадиган чумоли яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган тўртинчи сарзамин — кишвар ол байроқли гўзал Балхдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, газандалик билан мева ва зироатни қуритадиган чигирткани яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган бешинчи гўзал сарзамин — кишвар бу Марв билан Балх оралигида жойлашган Нисодир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, газандалик билан эътиқодсизлик ва худосизлик гуноҳини яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган олтинчи обод сарзамин — кишвар бу Хиройруди Хиротдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, газандалик билан разиллик моюсини яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган еттинчи яхши сарзамин — кишвар Вия Гита, яъни Қобуддир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, газандалик билан насли Гершаспа бориб тақаллади-ган одамхўр Ханштитий номли парини яратди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,  
профессор.  
(Давоми бор.)

Касаба уюшма спорти



## МУХЛИСЛАР ОЛҚИШИ ОСТИДА

**23-24 сентябр кунлари Чирчиқ шахридаги Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинатининг мухташам ўйингоҳи ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси Марказий қўмитаси кубоги учун тармоқ ишчи-хизматчилари ўртасида мини футбол мусобақалари бўлиб ўтди.**

Республика мизининг барча вилоятларидан ташриф буюрган жамоалар аввал куръа натижасига кўра уч гуруҳга бўлинди. Мусобақа дастурига кўра гуруҳ гуноҳлари тўғрисида тўғри финал йўли босиб ҳам баҳслар ниҳоятда қизгин тус олди. Биринчи гуруҳда ўзаро беллашган Самарқанд, Қашқадарё, Наманган ва Навоий вилояти вакиллари ичида самарқандликлар рақибларидан анча кучли эканликларини исбот этишди. Улар ўтказилган учта учрашувнинг барчасида зафар кучиб, финал йўлнамасини қўлга киритишди.

Бухоро, Сирдарё, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри футболчилари тўп сурган иккинчи гуруҳда омад пойтахтликларга кулиб боқди. Учинчи гуруҳда эса биринчи ўрин Тошкент вилояти вакилларига насиб этди. Улар сурхондарёлик ва фарғоналик ҳамкасб-рақибларидан устун келдилар.

Шундай қилиб, мурасасиз гуруҳ ўйинларидан сўнг уч жамоа — Тошкент шаҳри, Самарқанд ҳамда пойтахт вилоятлари футболчилари финал беллашувларида ўзаро учрашди-лар. Мухлисларнинг ти-

нимсиз олқишлари остида ўтган учрашувлар мурасасиз ва кескин курашларга бой бўлди. Кетма-кет икки бор майдонга тушган самарқандликлар икки учрашувда ҳам бир хил ҳисобга (1:0) мағлубиятга учраган бўлсалар-да, улар кўрсатган чиройли ўйинлар стадионга йиғилган мухлисларда катта таассурот қолдирди. Энди бир хил очко тўплаган Тошкент шаҳри ва вилояти жамоалари ўзаро баҳсада биринчи ўрин тақдирини ҳал қилишлари лозим эди. Тошкент вилояти футболчиларининг кетма-кет ҳужумлари билан бошланган учрашувнинг асосий вақтида кучлар тенг келди: 1:1. Қўшимча вақтда эса моҳир ҳужумчи Қобилжон Эргашев томонидан киритилган икки тўп пойтахт вилояти вакиллариининг галабасини таъминлади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, С.Каримов, Д.Холиқов, Ҳ.Юсупов, А.Жўрабоев, С.Исоқов, Ш.Бектурсунов, Б.Кўзиёв каби ўйинчиларни ўзида жамлаган Окқўрғон тумани «Акмал» хусусий фирмаси қошида ташкил этилган жамоа мураббийлар Г.Пашнин ва Ф.Қудратовлар раҳбарлигида қатор мусобақаларда қўлиб келган

қўлга киритмоқда. Бунда «Акмал» хусусий фирмаси раҳбари, ҳақиқий футбол ишқибози Раҳимжон Умировнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мусобақалар якуланди. Ғолиб ва соҳибдор жамоаларга Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси Марказий қўмитасининг кўча кубоги, фахрий ёрлиқ ва қимматбахо совғалари тақдим этилди. Шунингдек, Тошкент вилояти тармоқ касабаси уюшма қўмитаси томонидан таъсис этилган махсус совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди. Мусобақа иштирокчилари эса дил сўзларини қўйидагича изҳор этдилар.

**Сайдулло Каримов, «Акмал» хусусий фирмаси хизматчиси (Тошкент вилояти):**

— Мусобақалар жуда қизиқарли ўтди. Ана шундай аjoyиб тадбирни ўтказишда бош-қош бўлган ташкилотчи ва ташаббускорларга жамоамиз номидан миннатдорчилик билдираман. Ниятим, бу каби мусобақалар тез-тез бўлиб турсин.

**Исроил Нуралиев, Денос туман кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма қўмитаси раиси:**

— Гарчи ҳамма ғолиб бўлишини истаса-да, менимча, энг асосийси бу эмас. Энг муҳими, тадбиркорлик билан шуғулланганларни, айниқса, ёш ийғит-қизиларни мизини спорт билан ошно этиш. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатган ҳамкасбларимиз билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши. «Орзу» хусусий фирмаси саяёҳ-ҳаракатлари ва ҳомийлигида мусобақаларда қатнашган ҳаваскор футбол жамоамиз ана шу мақсадга тўла эришди, деб ўйлайман.

**Камол Оллоёров, «Ишонч» муҳбири.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**



## РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ...МИ?



Халқаро учрашувлар, қолаверса, Осиё кубоги финал баҳсларига тайёргарлик муносабати билан ўйинлар тақвимидаги ўзгаришлар турнир жадаллари ҳам ўз аксини топаётганидан муҳлисларимиз хабардор, албатта. Куни кеча ана шу номуносивликка тўзатиш киритиш мақсадида икки матч ўтказилди. «Гулистон» ўз майдонида олий лиганинг номдор клубларидан бўлиши «Самарқанд-Динамо» жамоасини қабул қилди. 26-турнинг қолдирилган бу учрашувни сирдарёлик футбол шинавандаларига қатор ҳаяжонли лаҳзалар туҳфа этди.

Кейинги турларда аҳолини ўнглаб олаётган «Гулистон» учун ғалаба, жилла курса дуранг сув билан ҳаводор зарур эди. Нафсилам-бирини айтганда, самарқандликлар ҳам қаторасига икки мағлубиятдан сўнг ғалабага умидвор ҳолда майдонга тушдилар. Шу босиб, ўйин кескин курашлар остида ўтди. Фақат маҳорат бобиди анча устун бўлган меҳмонлар ҳал қилувчи паллалардаги аниқ зарбалари эвазигагина 2:0 ҳисобида муҳим ютуққа эришдилар. Шундай қилиб, «Самарқанд-Д» жамоаси тўплаган очколари сони 62 га етди ва у учинчи ўринни эгаллаб турган «Нефтчи» клубидан тўрт очко ортда қолмоқда.

Мамлакат чемпиони ва турнир пешқадами «Дўстлик» эса «Металлург» билан учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, бу йил ҳам ўзига тараф йўқлигини исботлашда давом этмоқда. Бу матчида энг моҳир тўпурақ номи учун кураш олиб

ўтказганлигини назарда тутадиган бўлсак, манзара янада ойдинлашди. 31-турнинг қолган учрашувлари бугун ўтказилди. Фурсатдан фойдаланиб, биринчи лигада юз бераётган баҳсларга ҳам эътиборингизни қаратсак, фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки олий лигага йўл олувчи биринчи команда аниқланадиган ва олий лигада 17-ўринни эгаллаган клуб билан биринчи лиганинг иккинчи жамоаси ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсаги киришиладиган кунга ҳам ҳеч қанча фурсат қолмади. Мавсум бошидан буён турнир жадалини Муборакнинг «Машъал» жамоаси бошқариб келаяётгани. Иккинчи ўринда бораётган Тошкентнинг «Академия» клуби билан кечган ўзаро ўйин аҳволга жиддий ўзгартиш киритди. Кутилмаганда меҳмонда 4:1 ҳисобида зафар кучган «Академия» пешқадам бўлиб олди. Бу зарбани «Машъал» қандай қабул қилади ва у ўзини ўнглаб оладими, буни вақт кўрсатади.

### БИРИНЧИ ЛИГА. 31-ТУРДАН Кейинги ҳолат

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Академия»	31	26	3	2	91-29	81
2. «Машъал»	31	26	1	4	97-22	79
3. «Цементчи»	31	19	6	6	79-31	63
4. «Косонсой»	31	16	4	11	48-44	52
5. «Шахрихон»	31	16	4	11	46-43	52
6. «Роҳат»	31	16	2	13	53-41	50
7. «Ситора»	31	15	3	13	37-35	48
8. «Олтин бошқоқ»	31	15	3	13	47-47	48
9. «Шўртан»	31	15	2	14	60-29	47
10. «Хива»	31	13	5	13	40-54	44
11. МХСК	31	13	4	14	55-50	43
12. «Хисор»	31	14	1	16	54-58	43
13. «Кува»	31	13	1	17	46-48	40
14. «Олтин тола»	31	13	0	18	43-45	39
15. «Шўрчи»	31	11	4	16	46-64	37
16. «Ғазалкент»	31	10	5	16	46-70	35
17. «Навоий-А»	31	10	4	17	40-51	34
18. «Балиқчи»	31	10	4	17	58-77	34
19. «Ёшлик»	31	6	5	20	30-76	23
20. «Сирғали»	31	2	1	28	16-118	7

Хатирчи туманида «Соғлом авлод йили» муносабати билан кўпгина хайри ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Аҳмад Ёрлақабов ҳамда Эшмурод Абдиев номидаги ширкат хўжаликларидида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. Хўжаликлар ва мактаблардаги спорт майдончалари қайта

### ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

таъмирланди. Туман маркази Янгирабобот шаҳридаги марказий ўйингоҳ ҳам тадбиркорлар, жамоа ва ширкат хўжаликларини, фермерлар ҳомийлигида хашар йўли билан тўлиқ таъмирланди. Бу ерда қарий 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол майдончалари, сакраш, югуриш йўлчалари, ўриндиқлар қайта таъмирланди. Эндиликда ўйингоҳда теннис, шахмат-шашка, кураш мусобақалари ўтказиш учун шароит туғилди. Айни пайтда бу ўйингоҳ туман спорт мактаби ўқувчиларининг машғулот ўтказиш манзилига айланиб қолди.

### ИБН СИНО ЎҚУВЛАРИ

**Бухорода Ибн Сино халқаро жамоамаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ана шундай мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу анжуман аллома таваллудининг 1020 йиллигига бағишланди.**

Дастлаб Бухоро вилояти жамоатчилиги вакиллари ҳамда халқаро анжуман иштирокчилари аллома номи билан аталувчи тиббиёт институти-

да бўлиши. Бу ерда Абу Али ибн Сино бостининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Сўнг тадбир иштирокчилари аллома таваллууд топган қишлоқ - Пешку туманидаги «Афсона» қишлоғига ташриф буюрди.

Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этган анжуманда Ибн Сино меросини ўрганиш, омалаштиришга оид икки янгилик

тақдироти бўлиб ўтди: улуг аллома ҳаёти ва фаолиятига бағишланган компьютер орқали намойиш этиладиган мультимедиа лавҳалари, шунингдек, жамоамизнинг «Ибн Сино - Авиценна» журналининг ilk сони билан таништирилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тарқатилиши мўлжалланган бу журналда буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва фаолияти, ўлмас илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида мақола ва тадқиқотлар чоп этилади.

# ISHONCH

МУАССИС:  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЙМОВ  
Тахрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Мағбуот қўмитаси томонидан 00005 рақами гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сotузда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 21.30